



ДАВЛАТ ҒАЗНА ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Рахимов Шахзод Махсуджанович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0007-5464-402X

shax2025tdiu@mail.ru

Аннотация. Мақолада давлат ғазна ижросига молиявий технологияларни қўллаш имкониятлари, уларнинг афзалликлари ва самаралари ҳамда уларни қўллашда юзага келиши мумкин бўлган рисклар ва тўсқинлик қилувчи омиллар таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: давлат бюджети, давлат ғазна ижроси, молиявий технологиялар, блокчейн, сунъий интеллект.

ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ УПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫМ КАЗНАЧЕЙСТВОМ

Рахимов Шахзод Махсуджанович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье представлен анализ возможностей применения финансовых технологий для реализации функций государственного казначейства, их преимуществ и выгоды, а также рисков и препятствий, которые могут возникнуть при их применении.

Ключевые слова: государственный бюджет, исполнение государственного казначейства, финансовые технологии, блокчейн, искусственный интеллект.

PROSPECTS FOR USING FINANCIAL TECHNOLOGIES IN AN EFFECTIVE ORGANIZATION OF STATE TREASURY MANAGEMENT

Rakhimov Shahzod Makhsudzhanovich

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article presents an analysis of the possibilities of using financial technologies to implement the functions of the state treasury, their advantages and benefits, as well as the risks and obstacles that may arise during their application.

Keywords: state budget, execution of the state treasury, financial technologies, blockchain, artificial intelligence.

Кириш.

Сўнгги ўн йилликларда молиявий технологиялар (финтеч) жадал ривожланиши ва иқтисодийнинг турли соҳаларига, шунингдек, давлат бошқарувига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоёда. Инновацион молиявий технологияларни қўллашнинг истиқболли йўналишларидан бири бу давлат бюджетининг ғазна ижроси ҳисобланади. Ғазначилик жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш давлат молиясини бошқариш самарадорлиги, шаффофлиги ва хавфсизлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Бундай технологияларнинг жорий этилиши давлат маблағларини ҳисобга олиш, тақсимлаш жараёнларини жадаллаштириши, давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни яхшилаши, харажатлар устидан назоратни янада юқори даражада таъминлаш имконини бермоқда.

Бироқ давлат бюджетининг ғазна ижросига молиявий технологияларни жорий этиш қатор тўсиқларга дуч келмоқда. Буларга инфратузилманинг етарли эмаслиги, юқори дастлабки харажатлар, эски тизимларни янги технологиялар билан интеграциялашдаги қийинчиликлар, малакали кадрлар етишмаслиги, ҳуқуқий ва тартибга солувчи меъёрлар ҳамда талаблар, маълумотлар хавфсизлиги ва идоралараро ҳамкорлик билан боғлиқ муаммолар келтириб ўтиш мумкин. Бу омиллар рақамлаштириш жараёнини секинлаштириши ва давлат молиясини бошқаришда молиявий технологиялар имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни қийинлаштириши мумкин.

Адабиётлар шарҳи.

Миллий иқтисодийни янада сифатли ривожлантириш моделини шакллантиришга ўтишнинг зарур шарти бу мувозанатли бюджет сиёсати, бюджет қоидалари ва тартиблари, бюджет ижросининг ғазначилик технологиялари, давлат харажатларининг, биринчи навбатда, бюджетнинг харажатлар шаффофлиги, ҳисобдорлиги ва самарадорлигини таъминлашдан иборатдир. (Ахмедов, 2015)

Иқтисодий-молиявий категория сифатида “Бюджетларнинг ғазна ижроси” тушунчасининг моҳияти қуйидаги хусусиятлар билан очиқ берилади: ғазна бюджет маблағларини олувчилар ва барча бошқарувчиларнинг кассири ҳисобланади; ғазначилик бюджет муассасаларининг шахсий ҳисобварақлари тизимидан фойдаланади; бюджет маблағлари ягона бюджет ҳисобидан бевосита якуний бюджет олувчиларга ўтказилади; бюджет маблағларининг сарфланиши устидан назоратнинг самарадорлиги, унумдорлиги ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларни шакллантириш ишлари олиб боришдир (Саранцев, 2016)).

Иванова ва бошқалар (2015) ўз тадқиқотларида қўйдигаларни таъкидлайдилар, яъни халқаро тажриба шуни тасдиқлайдики, ғазначилик органларининг функционал фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсади, бу энг аввало, мамлакат давлат молиявий ресурсларини самарали бошқаришга хизмат қилувчи ғазначилик технологияларини яратиш ва улардан фойдаланишдир.

Самокаева (2024) ўз тадқиқотларида қуйидагиларни таъкидлайди, яъни федерал ғазначилик тизими бюджет жараёнини автоматлаштириш учун ахборот технологияларини фаол жорий қилиб келмоқда, бунга қуйидагилар киритиш мумкин, яъни:

Электрон бюджет: Бюджет жараёнининг барча иштирокчиларига реал вақт режимида бюджет маблағларини мониторинг қилиш ва бошқариш имконини берувчи ягона ахборот тизимини яратиш.

Электрон ўзаро ҳамкорлик: Ғазначилик ва бошқа давлат органлари ўртасида электрон ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш, бу молиявий операцияларни кўриб чиқиш вақтини қисқартиради.

Очиқ маълумотлар: Фуқаролар томонидан шаффофлик ва таҳлилни таъминлаш учун бюджет маълумотларини ҳамма учун очиқ қилиш.

Шуниндек тадқиқотчи Абдурахмонов (2020-2024) томонидан молиявий технологияларни жорий этиш фаолияти, бу борада юзага келадиган рискларни самарали бошқариш ва улар келтириши мумкин бўлган зарарларни иқтисодий ҳимоялаш бўйича таҳлил олиб борилган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида молиявий технологиялар ва уларнинг давлат ғазна ижросини таъминлашдаги ўрни борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек давлат ғазначилик тизимига молиявий технологияларни жорий этиш истиқболлари, улар билан боғлиқ рисклар, муаммолар ва уларнинг ечимлари борасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Сўнгги йилларда молия технологиялари (финтеч) давлат ғазначилиги жараёнларини такомиллаштириш, давлат молиясини бошқаришда юқори самарадорлик, шаффофлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Ғазначилик фаолиятига инновацион молиявий технологияларнинг жорий этилиши давлат бюджети ижросини ташкил этишни юқори даражада яхшилаш ва молиявий оқимларни бошқариш сифатини ошириш имконини бермоқда.

Ғазначилик бюджети ижроси халқаро тажрибаларида молиявий технологияларни қўллашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат, яъни:

1. Жараёнларни автоматлаштириш ва рақамлаштириш: Замонавий ахборот тизимлари ва автоматлаштирилган платформалардан фойдаланиш ғазначилик тартиб-қоидаларини соддалаштириш, молиявий операцияларни қайта ишлашни тезлаштириш, хатолар эҳтимолини камайтириш ва маълумотларнинг аниқлигини ошириш имконини беради. Рақамлаштириш жараёнларни янада шаффоф ва барча манфаатдор томонлар учун очиқ қилади, самарали мониторинг ва ҳисобот беришни таъминлайди.

2. Блокчейн технологиялари: Ғазначилик жараёнларида блокчейн технологияларини жорий этиш молиявий маълумотларнинг хавфсизлиги ва ўзгармаслигини ошириш, шунингдек, фирибгарлик ва коррупция хавфини минималлаштириш имконини беради. Блокчейн барча транзакцияларни реал вақт режимида кузатиш имконини беради, уларнинг шаффофлиги ва барча иштирокчилар учун очиқлигини таъминлайди.

3. Электрон тўловлар ва электрон ҳужжат айланиши: Электрон тўлов тизимлари ва электрон ҳужжат айланишидан фойдаланиш давлат органлари, банклар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тезлаштиради ва соддалаштиради. Бу ғазна операцияларини тезроқ ва хавфсизроқ амалга ошириш, маъмурий харажатларни камайтириш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

4. Аналитика ва сунъий интеллект: Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш учун аналитик воситалар ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш молиявий оқимларни прогноз қилиш, бюджетни режалаштиришни оптималлаштириш ва потенциал молиявий хавфларни аниқлашга ёрдам беради. Сунъий интеллект харажатларни таҳлил қилиши ва башорат қилиши мумкин, бу тизимда кўпроқ асосли ва самарали, ҳамда мақсадли қарорларни қабул қилишга ёрдам беради.

5. Бошқа давлат тизимлари билан интеграция: Замонавий молиявий технологиялар ғазначилик тизимларини солиқ тизимлари, давлат қарзларини ҳисобга

олиш тизимлари ва молиявий назорат тизимлари каби бошқа давлат ахборот платформалари билан интеграция қилиш имконини беради. Бу турли давлат органлари ўртасида самарали ҳамкорлик ва маълумотлар алмашинувини таъминловчи ягона ахборот муҳитини яратади.

6. Мобил технологиялар: Давлат хизматлари учун мобил иловалар ва платформаларнинг ишлаб чиқилиши фуқаролар ва ташкилотларга реал вақт режимда солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни тўлаш каби ғазначилик операцияларини кузатиш ва амалга ошириш имконини беради. Бу хизматлардан фойдаланиш имкониятларини яхшилайти ва аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишга хизмат қилади.

Молиявий технологияларни давлат ғазначилигини амалга оширишда қўллаш давлат молиясини бошқариш самарадорлиги, шаффофлиги ва хавфсизлигини оширадиган бир қатор муҳим афзалликлар таъдим этади, жумладан:

Биринчидан, жараёнларнинг самарадорлигини ошириш: Молиявий технологиялар давлат маблағларини йиғиш, ҳисобга олиш ва тақсимлаш каби асосий ғазначилик жараёнларини автоматлаштириши ва тезлаштириши мумкин. Бу транзакцияларни қайта ишлаш вақтини қисқартиради, молиявий операцияларнинг тезлиги ва аниқлигини оширади.

Иккинчидан, шаффофлик ва ҳисобдорлик: блокчейн каби рақамли технологиялардан фойдаланиш молиявий маълумотларнинг ўзгармаслиги ва шаффофлигини таъминлайди. Барча операциялар кузатилиши ва жараённинг барча иштирокчилари учун очиқ бўлишлиги, бу коррупция эҳтимолини камайтиради ва ғазначилик тизимида ишонч даражасини оширади.

Учинчидан, маъмурий харажатларни қисқартириш: Электрон тўлов тизимлари ва ҳужжат айланишини жорий этиш қоғозбозлик харажатларини сезиларли даражада камайтириш, хатолар сонини камайтириш ва ҳужжатларни қайта ишлаш жараёнини тезлаштириш имконини беради. Шунингдек, у қоғозбозлик билан боғлиқ жараёнларни камайтиради, бу эса ғазначиликни янада самарали ва камхаражатли қилади.

Тўртинчидан, давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни соддалаштириш: Молиявий технологиялар солиқ, бюджет ва бухгалтерия ҳисоби каби турли давлат тизимларини ягона платформага бирлаштириш имконини беради. Бу маълумотлар алмашинувини осонлаштиради ва қарорлар қабул қилишни тезлаштиради, шунингдек, турли давлат органлари ўртасидаги мувофиқлаштиришни яхшилайти.

Бешинчидан, самарали мониторинг ва назорат: таҳлил ва сунъий интеллект технологиялари молиявий оқимларни самарали прогноз қилиш, харажатлардаги хатоликлар ва оғишларни аниқлаш ҳамда потенциал молиявий рискларни аниқлашга ёрдам беради. Маълумотларни таҳлил қилиш тизимлари ғазначилик бўлимларига маблағларни қандай тақсимлаш бўйича кўпроқ асосли қарорлар қабул қилишда ёрдам бериди.

Олтинчидан, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш: мобил иловалар ва онлайн платформалар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат ғазначилиги билан ўзаро алоқаларини янада қулай ва самарали қилиш имконини беради, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш жараёнини соддалаштиради. Бу давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини оширади ва молиявий саводхонликни оширади.

Еттинчидан, хавфсизликни мустақкамлаш ва ошириш: биометрик ва кўп қатламли аутентификация каби инновацион технологиялардан фойдаланиш молиявий операциялар хавфсизлигини сезиларли даражада яхшилаши, фирибгарлик ва маълумотларнинг сизиб чиқиши хавфини камайтириши мумкин, бу айниқса давлат секторида муҳим аҳамиятга эгадир.

Саккизинчидан, эгилувчанлик ва мослашувчанлик: молиявий технологиялар ўзгарувчан иқтисодий шароитларга тез мослашиш имконини беради, молиявий сиёсат, иқтисодий шароит ва ҳукумат эҳтиёжларидаги ўзгаришларга тезда жавоб бериш қобилиятини таъминлайди.

Молиявий технологиялар давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳасида тақдим этиши мумкин бўлган афзалликларга қарамай, улардан самарали фойдаланиш ва амалга оширишга тўсқинлик қиладиган бир қатор омиллар ҳам мавжуддир, уларга қуйидагилар киради:

–мос инфратузилманинг шакланмаганлиги ва самарали технологиянинг этишмаслиги: давлат ғазначилигида молиявий технологияларни жорий этиш учун етарли даражада ривожланган техник ва рақамли инфратузилмаларнинг лозим даражада шакланмаганлиги (ҳудудларда). Замонавий ахборот тизимлари, интернетга кириш ёки хавфсиз тўлов платформаларининг йўқлиги ушбу технологияларни жорий этиш имкониятини чеклаши мумкин.

–юқори бошланғич харажатлар: янги молиявий технологияларни жорий этиш янги тизимларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва интеграциялашуви учун катта молиявий ресурсларни ва вақт талаб қилади. Чекланган бюджетга эга бўлган давлат идоралари учун бу сезиларли тўсиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, кадрлар тайёрлаш ва мавжуд технологияларни янгилаш харажатларини ҳисобга олиш ҳам керак.

–эски тизимлар билан интеграциялашувнинг қийинлиги: ушбу тизимлар билан янги молиявий технологияларни интеграция қилиш мураккаб ва катта куч талаб қилиши мумкин. Бу, шунингдек, давлат молиясининг ишлашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган техник носозликлар ва хатолар хавфини оширади.

–малакали кадрларнинг этишмаслиги: молиявий технологияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш ахборот технологиялари ва молия соҳасида юқори малакали мутахассисларни талаб қилади. Уларнинг этишмасдиги эса давлат бошқарувига инновацион ечимларни тез ва сифатли татбиқ этишга тўсқинлик қилади.

–ҳуқуқий ва тартибга солувчи чекловлар: мисол учун, молиявий операциялар, маълумотлар хавфсизлиги, фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунларнинг такомиллашмаганлиги ёки блокчейн ёхуд сунъий интеллект каби энг сўнгги технологияларни тартибга солиш нормаларнинг этишмаслиги.

–маълумотлар хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар: Айниқса, онлайн тўловлар ва маълумотлар алмашиш билан боғлиқ молиявий технологиялар кибер таҳдидлар ва махфий маълумотларнинг сизиб чиқиши билан боғлиқ рискларни келтириб чиқариши мумкин. Молиявий маълумотларнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда, давлат идоралари, агар тегишли ҳимоя чоралари мавжуд бўлмаса, янги технологияларни жорий этиш хавфсизлик хавфини оширишидан хавотирга тушиши мумкин бўлади.

–мансабдор шахслар ва ташкилотлар томонидан ўзгаришларга қаршилик: Янги технологияларни жорий этиш белгиланган тартиб ва операцияларни ўзгартиришни талаб қилади. Бу эски усулда ишлашга ўрганиб қолган ва янги технологияларга мослашишга тайёр бўлмаган давлат хизматчиларининг қаршилигига сабаб бўлиши мумкин. Инновациялар учун мотивациянинг этишмаслиги ва ўзгаришлардан қўрқиш ҳам рақамлаштириш жараёнларини секинлаштириши мумкин.

–имкониятларнинг нотекис тақсимланиши: айрим ҳудудларда ёки аҳолининг айрим қатламларида, жумладан, фуқаролар ва бизнес учун янги рақамли технологияларга киришда муаммолар бўлиши мумкин. Бу давлат ғазначилиги хизматларидан фойдаланишда тенгсизликка олиб келиши ва тизимнинг умумий самарадорлигини пасайтириши мумкин.

–идоралараро ҳамкорликдаги муаммолар: молиявий технологияларни жорий қилиш турли давлат органлари ўртасида яқин мувофиқлаштириш ва маълумотлар

алмашинувини тақозо этади. Бироқ, айрим ҳолларда, ягона стандартларнинг йўқлиги ёки турли ахборот тизимларининг мос келмаслиги туфайли идоралараро ҳамкорликда қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин.

Давлат бюджетининг ғазна ижросини такомиллаштиришда молиявий технологияларнинг улкан салоҳиятига қарамай, юқорида қайд этилган тўсиқларни бартараф этиш комплекс ёндашувни тақозо этади. Бунга инфратузилмани янгилаш, қонунчиликни ўзгартириш, ходимларни ўқитиш, хавфсизлик ва маълумотларни ҳимоя қилишнинг юқори стандартларини таъминлаш киради. Ушбу тўсиқларни бартараф этиш давлат молиясини бошқариш самарадорлиги ва шаффофлигини сезиларли даражада оширади.

Хулоса ва таклифлар.

Ҳазначилик бюджет ижроси тизимини, унинг функционал ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш орқали бутун давлат молиясини бошқариш тизимини оптималлаштириш ва самарадорлиги ошириш мумкин бўлади.

Давлат ҳазначилиги ижросини ташкил этишда молиявий технологияларни жорий этиш давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ва шаффофликни сезиларли даражада оширади ва операцион рискларни камайтиради. Замонавий технологиялар маълумотларни тезроқ қайта ишлашни таъминлайди, молиявий жараёнларнинг хавфсизлик ва очиқлик даражасини таъминлайди, ўзгарувчан иқтисодий вазиятда бюджет билан ишлашнинг янада мослашувчан ва эгилувчан тизимини яратади.

Шундай қилиб, давлат бюджетининг ғазна ижросига молиявий технологияларни жорий этиш давлат молиясини бошқаришни сезиларли даражада такомиллаштириш, жараёнларни шаффоф, тез ва хавфсизроқ қилиш, шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат молия тузилмаларига бўлган ишончини ошириш имконини беради.

Адабиётлар / Литература / References:

Abduraxmonov, I. (2022). *Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60-67.

Ilyas, A. (2018). *Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №1, 95-99 б.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат кўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №2, 145-150 б.

Абдурахмонов, И. (2020). Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, 2.

Абдурахмонов, И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(1), 95-99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.

Абдурахмонов, И. (2024). Рақамли иқтисодиётнинг биз билмаган рисклари. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 2(7), 230-239. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss7-pp230-239>.

Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта бозори: замонавий ҳолат ва ривожланиш тенденциялари. *Iqtisodiy taraqqiyot va taḥlil*, 2(4), 309-319.

Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. *Nashrlar*, 2(D), 12-15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.

Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: "Иқтисод-Молия" нашриёти, 23-24.

Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/–Т.:«Иқтисод молия, 699 стр.

Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.

Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. TADQIQOTLAR. UZ, 37(6), 161-167.

Ахмедов Ш.Ш. (2015) Вектор развития казначейских технологий в условиях необходимости повышения эффективности управления финансовыми ресурсами. *Journal of economic regulation (Вопросы регулирования экономики)* Том 6, №3. 119-127 стр.

Иванова О.Б., и др. (2015) Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации: монография. – Азов: ООО «АзовПечать».

Самокаева С.В. (2024) Роль федерального казначейства в цифровизации государственного сектора России. *Международный научный журнал «ВЕСТНИК НАУКИ»* № 6 (75) Том 1. 347-350 стр.

Саранцев В.Н. (2016) Казначейская система исполнения бюджетов: организационная модель и перспективы. *Вестник Московского университета имени С. Ю. Витте. Серия 1: Экономика и управление* №3(18) 15-20 стр.